

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЭКОЛОГИЯДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2017**

*Мазкур ўқув-услубий мажмұа Олий ва үрта мағсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланған ўқув режеа ва дастур асосида тайёрланды.*

**Тузувчи:** ТАҚИ, т.ф.н.  
З.М.Сатторов.

**Тақризчилар:** ТАҚИ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Э.У.Қосимов  
УзМУ, б.ф.н. Р.Х.Аллабердиев

*Ўқув -услубий мажмұа ЎзМУнинг ..... Кенгашишынинг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ -  
сонли қарори билан нашрға тавсия қилинганды.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	12
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	37
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	42
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	44
VII. ГЛОССАРИЙ .....	45
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	48

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий қўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Экологияда тизимли таҳлил” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Экологияда тизимли таҳлил” модулининг мақсади:

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини амалий ва табиий фанлар, шунингдек фан ва техника, иқтисодиётнинг сўнгги ютуқларини тизимли таҳлил қилиш, кимё, физика ва биология, шунингдек, компьютер билимлари билан биргаликда бутун экологик тизимдаги хатти ҳаракатларни экспериментлар орқали характерлаб, замонавий экологик фаолият тизимли таҳлил қилиб берилади. Тизимлар экологиясидаги моделлаштириш математикаси, аналитик ва экспериментал экотизим назарияси ўрганилади. Умумий тизимлар назариясидаги структурали дунёқараш, муаммоларни ҳал қилишда структурали ёндошув, таҳлил қилинаётган тизимли жараённи техникавий томонларини изоҳлаш мухим ўрин эгаллайди. Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, экологик муаммоларни келиб чиқиш сабабларини популяция ва экотизимлар миқиёсида тизимли таҳлил қилиш, хусусан, фундаментал концепциялар, молекуляр дараҷа, ҳужайрадан

тўқимагача бўлган жараёнлар, органлар ва тизимлар, организмлар, популяция ва экологиягача бўлган мураккаблик даражаларини тизимли таҳлил қилиш, олдиндан юзага келадиган маълумотларни ўқий билиш ва таҳлил қилиш тўғрисида керакли билимлар берилади.

### **Модулнинг вазифалари:**

“Экологияда тизимли таҳлил” фанини ўқитишнинг вазифаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига хозирги замон экологиясидаги тизимли ёндошув ҳамда уларга чегарадош бўлган фанлар ютуқларига асосланган ҳолда популяциялар ва экотизимлар экологиясидаги янги технологик жараёнларни олдиндан башорат қилиш ва экспериментал тизимли таҳлил қилиш назариясининг асосларидан билим беришдан иборатдир. Хозирги кунда бу соҳани жадал суръатларда ривожланиши натижасида, замон талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига экологик тадқиқот натижаларини тизимли таҳлил қилишда ва амалий фойдаланиш йўлларини очиб бериш замонавий илмий педагогик кадрлар тайёрлашга ёрдам беради ва бу фанни экология ва турдош фанлар соҳаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида билим олаётган тингловчиларга ўргатиш замон талабига мовофиқлиги билан ажратиб туради.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўнижмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Экологик тизимда таҳлил” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

Тизимли таҳлилнинг таснифи, генезиси;

Экологик тизимдаги йўналишлар, аниқ тадқиқот стратегиялари;

Экологияда термодинамик тизимни ўз-ўзидан шаклланиши, тирик тизимларда биотик ва абиотик шароитлар, озуқа занжирлари ва уларни кетма-кетлиги, модда ва энергия алмашинуви, биотоп ва биоценоз даражадаги тизимли ёндошув, биологик хилма-хиллик ва унинг тизимли муҳофаза жараёнлари ҳақида билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

Экотизимдаги структура ва жараёнлар таҳлили;

Амалий математика ва тизимли таҳлилнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида маълумотлар олиш;

Компьютер билимлари ва информацион технологиянинг экологик жараёнларни ўрганишдаги ўрни, моделлаштириш, тизимли моделлаш,

молекляр даражадан экотизимларгача бўлган жараёнларни таҳлил қилиш кўнима ва малакаларини эгаллаши;

Тингловчи:

Тизимли таҳлил орқали тадқиқот стратегияларини ўрганиш;

Экотизимда моделлаштириш ва тизимли таҳлилда молекула даражасидан экотизимларгача бўлган жараёнларни билиш компетенцияларини эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Экологияда тизимда таҳлил” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотлarda техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Экологияда тизимли таҳлил” фанини ўзлаштиришда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари кимё ва физика, математика, ахборот коммуникацион технологиялари, биологиядан: микробиология ва вирусология, генетика, молекуляр биология, биохимия, биофизика, физиология, ботаника ва зоология ва биоинформатика ҳакида тушунчаларга эга бўлишлари керак.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий биологиядаги илмий тадқиқот натижаларини тизимли таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Экологияда тизимли таҳлили**

#### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Хамм аси з	Аудитория ўқув юкламаси жумладан	Мусл акил тавъ	

				<b>Назарий</b>	<b>Амалий машғулот</b>	<b>Күчма маўғулот</b>	
1.	Экологик тизим ва унинг таснифи	4	4	2	2		
3	Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси.	6	4	2	2		2
	<b>Жами:</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>		<b>2</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Экологик тизим ва унинг таснифи**

Экологик тизим ва унинг таснифи. Экологик тизимнинг турлари. Экология фанлари соҳасида тизимли таҳлил. Экологик тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Тизимли таҳлилни амалга оширишда экология фанининг хусусий методлари.

### **2-мавзу: Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси**

Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси. Экология соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли таҳлил.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **3-мавзу- амалий машғулот: Экологик тизим ва унинг таснифи**

Экологик тизим ва унинг таснифи. Экологик тизимнинг турлари. Экология фанлари соҳасида тизимли таҳлил. Экологик тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Тизимли таҳлилни амалга оширишда экология фанининг хусусий методлари.

### **4-мавзу- амалий машғулот: Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси**

Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш

технологияси. Экология соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли таҳлил.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини хисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлик бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўtkaziladigan amaliy mashғulotlarda texnik vositalardan, ekspres-sўrovlar, test sўrovlari, aklif xujum, guruhli fikrlash, kichik guruhlar bilan ishlaش, kollokiuum ўtkaziш, va boшقا interaktiv taъlim usullarini қўllash назарда тутилади.

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (мintaқавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал балл-**1 балл**.



## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига еттагач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:


Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Давра сухбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча дикқат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Белгилар:  
1-таълим оловчилар  
2-айлана стол

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: Экологик тизим ва унинг таснифи

##### **РЕЖА:**

- 1.1. Экологияда тизимили таҳлилнинг ўрни ва истиқболи.
- 1.2. Популяцион, биоматематик, симуляцион, статик, тизимили ва динамик ёндошувлар, энергия оқими ва бошқарувни моделлаштириши.

**Таянч иборалар:** тизим компонентлари, электроник манба, модель, популяция, замонавий ёндошув, ҳисоблаш, симуляция, динамик ёндошув, энергия оқими, бошқарувни моделлаштириши.

##### **1.1. Экологияда тизимили таҳлилнинг ўрни ва истиқболи.**

Тизимлар экологияси тизим компонентларининг ўзаро таъсирини математик ва ҳисоблаш моделлари орқали экологик тизимни тушунишга ёрдам беради, бу эса миқдорий ва сифат муддатлариiga йўналтирилган бўлиб, айниқса, электроник манба ва коммуникацияга жавобгар муддатларда кечади. Масалан, тизимлар экологияси замонавий биологияга ўхшаб қадимий саналади ва бу экологик тизим хизматларининг сифат, миқдорий кўрсаткичарини ўз ичига олиб, ишлаб чиқаришнинг фермерлик йўналишида биофизик ва ижтимоий кўрсаткичлар орқали ёндошилган.<sup>1</sup>

Тизимлар экологияси қишлоқ хўжалиги ва медицинада моделлаштириш жараёнида узоқ вақтлардан бўён қўлланилган бўлиб, жумладан,

<sup>1</sup> Erik Andersson, Bjorn Nykvist, Rebecka Malinga, Fernando Jaramillo, Regina Lindborg. A social–ecological analysis of ecosystem services in two different farming systems. Belgium, Springer. AMBIO 2015, 44(Suppl. 1):S102–S112

фармокогнезия ва фармокодинамикада доривор ўсимликлардан фойдаланиш соҳасини ўз ичига олган.

Тизимлар экологиясида асосий калит бу замонавий ёндошувни ҳосил қиласди, юқори технологияларнинг яқин вақт ичидағи ривожланишини ва кўп соҳали биология ва экологияда янги пайдо бўлаётган технологияларнинг ўрнини очиб беради, юқори аниқлик ва қайта ечимли ҳолатларда миқдорий маълумотларнинг янги турларининг авлодларини яратишга имкон беради.


Комплекс тизимлар назариясининг яқин вақтдаги ривожланиши математик концепциялар ва жиҳозлар билан бизга ёрдам бермоқда ва жонли табиатда динамик ҳодисаларнинг кузатилиши ва ундаги жараёнларни тушуниш учун янги воситаларни талаб қилмоқда. Янги маълумотларнинг кичкина бир бўлagini таҳлили қилиш ва башорат қилиш экологиянинг мазмун моҳиятини тушунишга ёрдам беради, атроф-муҳит, саломатлик, касалликлар ва медицина интеграциялашган ёндошувни талаб қиласди. Ҳаттоқи, бизнинг ҳозирги ҳолатдаги билимимиз билан тизимлар экологияси соғлом ҳаёт учун тажрибада қўлланиладиган билимларни бошқаради. Жумладан, циркан ритмлар фақатгина тизимлар биологияси ва экологияси асосида тўлиқ ёндошув билан асосланади. Организмнинг экологик даражаларини таҳлил қили ва экологик жиҳатдан илмий парадигмалар орасидаги муносабатлар, классификацияланган тизимларнинг икки асосий йўлларини: жонсиз ва жонли модда – ўзаро алоқадорлик кўринишида талқин этиш, тизимлар экологиясининг элементлари, ўсиш даражаларининг ижтимоий, иқтисодий, экологик ва биосфера кўринишида тизимлаштириш келгуси экологик башорат қилишни аниқлаб бера олади ва қандай тарзда жонли табиатдан оқилона фойдаланиш мумкинлигига йўл-йўриқ кўрасатилади.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Stuart Borrett. Systems ecology short course. University of North Carolina Wilmington. 2013. P.7.





### Экология дарражалариға тизимли ёндошув

Организм	Орган	Түқима	Хужайра	Органелла	Молекула	Атом
<b>Популяция</b>	<b>Бир хил турға мансуб организмларнинг ўзаро алоқаси ва уларнинг кўпайиш жараёни.</b>					
<b>Жамоа</b>	<b>Турли популяцияларнинг биргаликда, жумладан ҳукмон, йиртқич ва ўжа, симбиоз ҳолдаги ўзаро таъсир жараёнлари.</b>					
<b>Экосистема</b>	<b>Хар хил турға мансуб бўлган организмларнинг маълум ареалда тарқалиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари.</b>					
<b>Биосфера</b>	<b>Экосистеменинг ердаги энг катта бирлиги ва тирик организмлар тарқалган ва қуёш энегияси натижасида ҳаёт давом этадиган қобиқ.</b>					



### 1-чизма. Тирик организмдаги жараёнларни тизим шаклида таҳлил қилинг.<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Lindsay M.Edwards and Ines Thiele. Applying systems biology methods to the study of human physiology in extreme environments. Extreme physiology and Medicine, 2013. P.3.





Ver 1.0 Beta





Cellware team:  
Li Ye, Tan Chee Meng  
Sandeep Somani, Anand Sairam  
Zhu Hao, Pawan Dhar




# Биз ҳозир қаердамиз?

Grid version released!







*An elephant is like...a wall*




## 2-чизма. Тизимнинг концептуал схемаси



### 3-чизма. Назорат тизимлари



## 4-чиズма. Информацион тизимлар.



## **1.2.Популяцион, биоматематик, симуляцион, статик, тизимли ва динамик ёндошувлар, энергия оқими ва бошқарувни моделлаштириш**

20 - аср бошларида асосий эътибор ўсимлик популяцияларига қаратилади ва бу соҳада рус олимлари I. K. Pachoskii, S. N. Korzhinskii, P. N. Кулоулар фаолият юритишиади. Америкалик ботаник олим F. Clements сукцессия тушунчасини фанга киритади. Ўсимлик жамоаларини ўрганишда G. F. Morozovning “*A Study of the Forest*” (1912) ва V. N. Sukachevning “*Introduction to the Study of Plant Communities*” (1915) асарлари муҳим роль ўйнайди..

Ҳайвонлар экологияси Чарлз Элтоннинг “*Animal Ecology*” (1927) номли асарида акс эттирилиб, трофик даражалар ва экологик нишанинг концепцияси яхши тасвирлаб берилган. Италиялик тадқиқотчи V. Volterra (1926) ва америкалик олим A. Lotka (1925) индивидуал популяцияларнинг ўсишини математик моделларини ишлаб чиқишиди. 20 аср бошларида Henry Chandler Cowles динамик экологиянинг асосчиларидан бири сифатида танилди ва у ўсимлик қоплами ва тупроқ билан алоқадорликда экологик сукцессияни асослаб берди. George “G” Evelyn Hutchinson 20 аср экологларидан бири бўлиб уни “Замонавий экологиянинг отаси” сифатида танишган. У популяция динамикасининг математик назарисига катта ҳисса қўшди.

### **Populyatsiyaning dinamik tavsifi quyidagilarni o’z ichiga oladi:**

1. Tug’ilish va mahsuldarlik. Tug’ilish ko’payish tezligini miqdoriy jihatdan tavsiflovchi, ya’ni vegetativ yoki generativ yo’llar bilan ko’payishdan qat’iy nazar populyatsiyada hosil bo’lgan individlar sonini bildiradi. Tug’ilishning fiziologik va ekologik xillari ajratiladi. Fiziologik tug’ilishda ideal sharoitda nazariy hisoblangan yangi individlarning maksimal xosil bo’lish soni tushunilib, bunda cheklovchi omillar ta’sir etmaydi, ko’payish faqat fiziologik sabablarga ko’ra cheklanishi mumkin. Tug’ilish quydagи formula yordamida aniqlanadi:

$$B = \frac{\Delta T}{\Delta N}$$

bu yerda  $\Delta N = N_1 - N_2$  oldingi va keying hisobga ko'ra organizmlar sonining ortishini bildiradi.  $\Delta T = T_1 - T_2$  shu ikki xisob qilingandagi vaqtning farqidir. Agarda populyatsiyadagi bir individga tug'ri keladigan yangi individlarni xisobga olsak, bundan nisbiy tug'ilish kelib chiqadi:  $b = \frac{\Delta N}{\Delta t}$

Tug'ilish nol bo'lishi mumkin yoki ijobiy xarakterga ega bo'ladi, lekin salbiy ko'rsatkichga ega bo'lmaydi. Populatsiyda individlar sonining ortishi tug'ilish hisobiga ortmay balki, immigrasiya tufayli, ya'ni boshqa populatsiyalardan individlarning kelib qo'shilishi hisobiga ham o'zgaradi. Immigrantlarning kelib qo'shilishi, ayniqsa o'simliklar meva hosil qilgandavrda, shuningdek, hayvonlarning yosh individlari voyaga yetib tarqalishi davrida kuzatiladi.

Tug'ilish tushunchasi populyatsiyaga nisbatan ishlatiladi. Individlarga nisbatan mahsuldorlik tushunchasidan foydalaniladi. Mahsuldorlik ma'lum vaqt oralig'ida paydo bo'lgan yangi tug'ilgan individlar sonidir. Populyatsiyaning soni, mahsuldorligi statistik tahlil qilinganda urg'ochi individlarning mahsuldorligi qiziqtiradi

2. Nobud bo'lish. Nobud bo'lish populyatsiyasida individlarning o'lishini tavsiflaydi. Ekologik nobud bo'lish deganda, ma'lum sharoitda individlarning nobud bo'lishi tushuniladi. Bu ko'rstkich tashqi muhit va boshqalar ta'sirida oun individga o'zgarib turadi. Ekologik nobud bo'lish bilan birga nazariy jihatdan olingan minimal nobud bo'lish ham ma'lum. Buning uchun individ yashaydigan sharoit ideal bo'lishi kerak. Ushbu qulay sharoitda individlarning maksimal hayot kechirishi fiziologik nobud bo'lishiga teng. Nobud bo'lishdan tashqari populyatsiyada individlar sonining kamayishiga emigratsiya ta'sir etadi. Emigratsiya muayyan bir populyatsiyasidagi individlarning boshqa populyatsiyaga chiqib ketib, jadal ko'payishi va individlarning yuqori zichligi natijasida kelib chiqadi.

3. Hayotchanlik. Populyatsiyadagi individlarning tug'ilishi bilan nobud bo'lish o'rtasidagi farq hayotchanlik deb qaraladi.

4. Ko'payishning sof tezligi. Bunda urg'ochi jinsning butun umri davomida qoldirgan avlodlarining o'rtacha soni tushuniladi.

5. O'sish tezligi va populyatsiyalar sonining ortishi. Populyatsiyalarning o'sishini ikki omil boshqaradi. Birinchi omil- organizmning tug'ma qobiliyati, ya'ni cheklovchi omillar ta'sirisiz maksimal tezlik bilan ko'payishi – exponensial o'sish ( P.N.Chempan uni biotik potentsiyal ham deb atagan). Ikkinci omil-muhitning tazyiqi, ya'ni u biotik potentsial bilan amaldagi o'sish tezligi o'rtasidagi farqda ko'rindi. Muhitning tazyiqi o'z ichiga suv, yorug'lik, ozuqa, fazo, uya qurish uchun joy kabi resurslarni oladi.

Тизимлар биологияси борлиқдаги муҳим нарсаларни тушунишга, билишга ёрдам беради, ҳолбуки, ажратмалардаги қисмларни текширмасдан туриб уни тушуниб бўлмайди. Ҳозирги қунда комплекс биологик тизимлар ва уларнинг регуляциясини тадқиқ қилишда математика, мұхандислик, физика ва компьютер билимларига таянади. Бу биологик тизимда ҳозирги кундаги олиб борилаётган биохимик ва молекулар биология соҳасида эришилган ютуқларни кўришимиз мумкин.<sup>4</sup> Демак, тизимлар экологияси ҳам биологик жараёнлардаги кетма-кетликлар ва ўзгаришлар темпини ўз ичига олади. Чунки, экология биологик фанлар жумласига киради.

Жумладан, 2008 йилдаги маълумотларга асосан, қуйидаги тадқиқотлар лойихалари амалга оширилди: AMKIN (2007), BaSysBio (2007), BIOSIM (2007), COMBIO (2007), COSBICS (2007), DIAMONDS (2007), EAMNET (2007), ENFIN (2007), EUCLOCK (2007), HepatoSys (2007), QUASI (2007), RiboSys (2007) va SysMO (2007), FP7 (2007) лойихалари.<sup>5</sup>

<sup>4</sup> N.Chomsky. Systems Biology Meeting, MIT, Boston, Jan 8-9, 2004.

<sup>5</sup> Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.53.

### **Назорат саволлари:**

1. Экологик тизимларда таҳлил жараёни қандай илмий ёндошувлар асосида рўй беради?
2. Тизимли таҳлилда тарихий контекст ҳақида маълумот беринг?
3. Тизимли таҳлилнинг концептуал схемасини изоҳлаб беринг?
4. Келажакда тизимли таҳлилнинг ўрни қандай бўлади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.53-54.
2. N.Chomsky. Systems Biology Meeting, MIT, Boston, Jan 8-9, 2004.
3. Lindsay M.Edwards and Ines Thiele. Applying systems biology methods to the study of human physiology in extreme environments. Extreme physiology and Medicine, 2013. P.3.
4. Stuart Borrett. Systems ecology short course. University of North Carolina Wilmington. 2013. P.7.
5. Erik Andersson, Bjorn Nykvist, Rebecka Malinga, Fernando Jaramillo, Regina Lindborg. A social–ecological analysis of ecosystem services in two different farming systems. Belgium, Springer. AMBIO 2015, 44(Suppl. 1):S102–S112

## **2-МАВЗУ: Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси**

### **РЕЖА:**

- 2.1. Тизимлар экологиясидаги аналитик моделлаштириши.*
- 2.2. Тизимлар экологиясида экспериментал моделлаштириши.*

**Таянч сұзлар:** стратегия, РНК, ДНК, метаболизм, ген, апликация, регуляция, транскрипция.

### **2.1. Тизимлар экологиясидаги аналитик моделлаштириш.**

#### **ТИЗИМЛАР ЭКОЛОГИЯСИ**

**Тизимлар экологияси 3 та методологик қисмларни ўз ичига олади:**

- Назарий: экотизим назарияси**
- Аналитик: концептуал ва моделли назария**
- Экспериментал: лаборатория жиҳозлари орқали**


Экологик илмий-тадқиқотда күпинча тасвирий, таққослаш, тажриба ҳамда экотизимларни моделлаштириш услубларидан фойдаланилади. Экологияда тажриба ва моделлаштириш услубларидан нисбатан кенг фойдаланилади.

Тажриба-тадқиқотчи томонидан яратилган шароитда бораётган маълум табиий жараённи кузатишдир. Тажрибада маълум объектга (индивиду, популяция, биогеоценоз) таъсир этаётган омил кучининг ортиши ёки камайиши намуна билан таққосланади. Тажриба натижалари ҳакида кўрсаткичларни ўзгаришига қараб хулоса қилинади. Бунинг учун албатта намуна билан таққослаш зарур. Тажриба ҳеч вақт таққослашсиз олиб борилмайди.

Илмий тадқиқот ишлари лаборатория ва дала шароитларида олиб борилади.

Моделлаштириш жараёни умумлаштириш учун анча қулай имкон беради, шунингдек ҳодисанинг баъзи томонларини аниқ маълумот билан тўлдириш ёки янги назарий хуносалар чиқаришга ёрдам беради. Модель “ишламай қолса”, яъни ҳақиқатга унча тўғри келмаса, ЭҲМ томонидан ўзгартиришлар киритилиши ва яхшилаш зарурлигини айтиб беради.

## 1. Моделли ёдошув асосида тизимли даражасы



## **Циркад соат**

### ***Циркад соатнинг табиати***

Хатти – ҳаракатлар, психологик жараёнлар ва уларнинг биохимикаси вақтинчалик тузилгандир ва қунлик ўзгаришларга сабаб бўлади. Булар шучаки ташқи таъсир натижасида ўзгармайди, балки одамнинг энг чуқур организимида, цианобактериялар жойлашган жойда мавжуд бўлган эндоген соат (ички таъсир) томонидан ҳам бошқарилиб туради. Ҳақиқий ҳаётда, бу қунлик соат ташқи дунё билан ритмик ташқи муҳит сигналлари орқали боғланган. Қунлик ритимлар барча биология босқичларида мавжуддир. Мисол учун, дам олиш, уйқусизлик; пешоб чиқаришда, қон босимида ёки юрак фаолиятида; хужайравий ўзгаришларда, гармон ишлаб чиқарилганда ёки генда ўз ифодасини топган. Охирги тажрибалар шуни кўрсатдики, қунлик ритимлар ташқи муҳитдаги вақт таъсири йўқолганда ҳам давом этаверади. Соатнинг танқидий хусусияти шундаки, ташқи муҳитдаги қун билан синхронизацияда бўлади. Бу калит бизга қунлик соатни ва уни бошқарилиш механизмини тушунишга ёрдам беради.<sup>6</sup>

EUCLOCK (2007) ҳар хил одамларнинг ҳужайраларида қунлик соатни тадқиқ қилишни ва одамлар дам олишаётган шароитда қунлик соат қандай қилиб синхронизация қилишини тушунишни ўзига мақсад қилиб олган. Бу лойиҳанинг асосий мақсади патологик муҳитдаги тиббий соғайтиришнинг самарадорлигини исботлаш ёки қарши фикр билдирувчи маълумотларга таъсир кўрсатишини тўхтатмаслик, юрак касаликларидан тортиб раккача таъсирини билиш, бу соғайтириш турини таъсирини организимлар ва одамларнинг генини таққослаш орқали 24 соат текшириб туриш ва янги генларни аниқлаш, Multiple Pathway Integration (кўп йўлли кўчиришлар) – қунлик соатни ва унинг ишлашини бошқариб турувчилар унинг асосий таркибий қисимларидир.

---

<sup>6</sup> Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.70.

Кўчирилган биологик системалар воқеа ҳодисаларнинг динамик тузилишидалигини тушуниб етди. Протоколлар, механизимлар ва алгоритмлар ҳали юқвалиб боради, биринчи марта гурух ичидаги одамларнинг дам олишаётганда тадқиқотлар ўтказиш имконияти пайдо бўлди. BIOSIM (2007) нинг ҳам худди шу йўналишда тадқиқотлари бор.<sup>7</sup>

## **2.2. Тизимлар экологиясида экспериментал моделлаштириши**

### **Ўсимликлар ёш тузилмасини аниқлаш**

**Таянч тушунчалар:** тур, фитоценоз, латент, виргил, генератив, сенил, инвазион, нормал, регрессив, ценопопуляция, вегетация.

**Ишнинг мақсади:** Ўсимлик популяцияси ёш тузилмаси турларини ташқи муҳитга мослашиш механизмларидан бири эканлиги билан танишиш.

**Материал ва жиҳозлар:** Маъруза матни, ўкув қўлланмалар, расмлар, жадваллар, ўсимликларнинг ёш ҳолатларига оид гербариyllар, чизғич, лупа.

**Назарий материал.** Фитоценоздаги муайян турларнинг ҳар хил ҳолатлардаги индивидларнинг йифиндиси ценопопуляция, деб аталади. Уни агар гулли ўсимликлар мисолида кўрадиган бўлсак, унга тупроқда ўз ҳаётchanлигини йўқотмаган уруғлар, ниқоллар ва ҳар хил ёшдаги индивидлар киради. Ценопопуляциянинг таркибига баъзан ўт ўсимликларнинг иккиламчи тиним ҳолатдаги ер ости органлари-илдизпоя, пиёзбош, тугунак кабилар ҳам киради. Шундай қилиб, жамоанинг турлар таркиби-ценопопуляциялар йифиндисидир. Турларнинг ўзи эса популяциялар тизимидан иборатdir. Жамоада ҳар турнинг ценопопуляцияси майдон бирлигига тўғри келадиган сони ва ёшларнинг нисбатлари билан фарқланиши мумкин. Т.А.Работнов ўсимликлар жамоасидаги ўсимликлар ҳаётини қуйидаги асосий ёш даврларга ажратди:

1. *Латент даври* - бунда ўсимлик спора, уруғ ёки мева ҳолида тиним даврида учрайди.

---

<sup>7</sup> Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.71.

2. *Виргил даври* - ўсимликнинг ниҳоллик, ёш ўсимлик ва вояга этган ҳолатидир. Ниҳоллар ёш ўсимликлардан уруғпалла баргларининг бўлиши билан фарқланади.

3. *Генератив даври* - ўсимлик ҳаётида споралар ёки уруғлар билан кўпайишнинг бошланиши билан тавсифланади.

4. *Сенил даври* - ёши ортиши билан генератив кўпайиш хусусияти йўқолади.

Популяция ўсимликнинг турли даврларида кечади. Т.А.Работнов маълумотларига кўра, инвазион, нормал ва регрессив турлардаги популяциялар ажратилади. *Инвазион* типдаги популяция дейилганда, ўсимликлар жамоасига эндиғина кириб келаётган популяциялар тушунилиб, уни ниҳоллар, ёш ўсимлик ҳамда вояга этган ҳолда учратиш мумкин.

*Регрессив* турдаги популяция генератив кўпайиш хусусиятини йўқотган популяциядир. У одатда гулламайди ёки гулласа ҳам унувчанлигини йўқотган бўлади. Ана шу ҳолат популяциянинг фитоценозда ўлиб, йўқолиб, чириб кетаётганлигидан далолат беради. *Нормал* турдаги ўсимликлар популяцияси жамоада тараққиёт даврининг барча босқичларини тўлиқ ўтказувчи ўсимликлардир. Улар спора ёки уруғлардан тортиб то вояга етган ўсимлик кўринишида учрайди. Ценотик нуқтаи назардан улар ўсимликлар жамоасининг асосий популяцияси ҳисобланади. Популяциянинг ёш тузилмаси ўсимлик ва ҳайвонларда ҳам бир неча омилларга боғлиқ. Янтоқ - кўп йиллик илдиз пояли ўсимлик. У Ўрта Осиёning Қоракум, Қизилқум, Устюрт, Сирдарё ва Амударё бўйларида, Фарғонада учрайди. Янтоқ кул ранг, кўнғир, кучсиз шўрланган қумли тупроқларда, кўпинча дарёларнинг қуриб қолган қирғоқларида, ташландиқ ерларда, текисликларда, лалми деҳқончилик ерларида бегона ўт сифатида ўсади. Янтоқнинг уруғи майда, силлиқ буйраксимон, тўқ қўнғир рангда уруғ паллалари овалсимон, туксиз, қисқа бандли.

Бошланғич ҳақиқий барглар 9-13 кундан кейин ёрилади. Илдизи шу вақтларда 8-10 см га боради. 40-45 кун ичida новдаларнинг ялпи шоналаши кузатилади. Шохланиш хусусиятларидан бири тиканларнинг

шаклланишидир. Бир йиллик индивидларда дастлабки тиканлар 2-5 бўғинларда 22-27 кунлари ривожланади. Вегетатив кунларининг охирги даврида янтоқнинг тўлиқ шаклланганлиги ва кўп сонли баргларга эга бўлиши кузатилади. Иккинчи йили вегетация бошланиши билан йиллик новдаларда 2 турдаги барглар ҳосил бўлади: остики тангачасимон ва ҳақиқий фотосинтез қилувчи барглар. Янтоқ маданий ҳолда ўстирилганда генератив даврга иккинчи йили вегетация қилувчи индивидларнинг 60 фоизи ўтади. Вояга этган виргил индивидлар жинсий вояга этган индивидлардан анча йирик барглари ва майди тиканлари билан ажралиб туради. Иккинчи йилги ўсимлик илдизпоясидан шаклланган 2-3 та ер устки новдалар ташки кўриниши билан она ўсимликлардан фарқ қилмайди ва улар гуллаб мева беради. Учинчи йил вегетациясида ўсимлик 86 фоизгача гуллаб мева ҳосил қиласди. Табиий янтоқларда кўпгина мева ҳосил қилмайдиган индивидлар қариган босқичда бўлиб, халқ орасида у қора янтоқ деб ном олган.<sup>8</sup>


Ишни бажариш тартибида биз эксперимент усулини ишлатамиз. Унда куйидагилар эътиборга олинади:

1. Ўсимликнинг онтогенетик босқичлари ўрганилади.
2. Табиий ҳолатда ўсимликнинг онтогенетик босқичлари ҳақида хуносалар чиқарилади.

---

<sup>8</sup> Хўжаназаров Ў.Э. Экологиядан лаборатория ва амалий машғулотлар. Электрон дарслик. Т. 2016.


Artemisia sogdiana Bunge ўсимлигининг виргил (А) ва генератив (Б)  
онтогенез даврларидағи новдаларининг схема ҳолатидаги куриниши



Шартли белгилар:

- ÿ – ўсимта (г - гипокотиль, уп. - уруғпалла барғ)
- j – ювенил ўсимлик
- im – имматур ўсимлик
- v – вояга еттан виргинил ўсимлик
- I, II, III – новдалар шохланишининг тартиб ракамлари
- ↑ – тирик вегетатив новда
- ♀ – тирик генератив новда
- ♂ – ривожланмаган генератив новда
- тирик партикула
- ўлик партикула
- g<sub>1</sub> – ёш генератив ўсимлик
- g<sub>2</sub> – ўрта ёшдаги генератив ўсимлик
- g<sub>3</sub> – кариёттан генератив ўсимлик
- g<sub>4</sub> – кариған генератив ўсимлик

Ўсимликларнинг ёш тузилмасини қуидаги расм орқали кузатишимиз мумкин.



I-тукли қиёқ, II-қўнғирбошлилар оиласи, III-мураккабгулдошлар оиласи

*Виргил даври:*

P- майса, j-ювенил даври, im-имматур даври, V-вояга етган вегетатив даври

*Генератив даври:*

$Q_1$ -ёш генератив давр,  $Q_2$ -етуклик даври, SS-қариётган генератив давр

*Сенил давр:*

S-қариган.

Демак, эксперимент усули орқали бирор турнинг ҳаётчанлик даражаларини тизимли таҳлил қилишимиз мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Аналитик моделаштириш моҳиятини тушунтиринг?
2. Тизимли моделлаш нима?
3. Тизимлар экологиясида экспериментал моделлаштиришнинг қандай аниқлик даражалари мавжуд?
4. Ўз илмий ишингизда экспериментал моделлаштиришнинг тизимли даражаларини тушунтириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиёт:**

1. Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.69-75.
2. Хўжаназаров Ў.Э. Экологиядан лаборатория ва амалий машғулотлар. Электрон дарслик. Т. 2016.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **Амалий машғулот**

#### **Экологик мавзуларда тизимлар таҳлили бўйича амалий машғулотларни бажариш**

**Ишдан мақсад:** Тизимли ёндошув асосида ва моделлаштиришга йўналтирилган принциплар асосида популяция бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш.

**Амалий машғулотнинг бажарилиш тартиби:** Тингловчи варианtlарда келтирилган топшириқларни тизимли таҳлил асосида бажариши ва натижа олиши лозим.


#### **1-амалий машғулот**

##### **Популяциялар экологиясида атамалар билан ишлаш учун ўқув топшириқлари**

**1– топшириқ.** Атамалар ракамини уларнинг таърифи билан тизимли равишда жуфтланг.

1	Популяция	A	Туғилиш билан нобуд бўлиш ўртасидаги фарқ
2	Зичлик	B	Ҳайвонлар хатти-ҳаракат тузилмасини биологик асоси ҳақидаги фан
3	Ценопопуляция	C	Кўпайишини йўқотган тур
4	Виргил	D	Ўсимлик жамоасига эндиғина кириб келган тур
5	Генератив	E	Хукмонлик қилувчи тур
6	Доминант	F	Уруғлар билан кўпайишнинг бошланиш даври
7	Инвазион тур	G	Ўсимликнинг ниҳоллик даври
8	Регрессив тур	I	Муайян турларнинг ҳар хил ҳолатдаги индивидларининг йиғинидиси
9	Этология	K	Маълум майдон бирлигига тўғри келувчи индивидлар сони
10	Хаётчанлик	L	Бир турга мансуб бўлган организмлар йиғинидиси

**2-топширик.** Популяциянинг ўсишини тизимли равища гурухларга ажратинг. 1. Максимал тезлик. 2. Сув . 3. Каннибализм. 4. Экспоненциал ўсиш. 5. Озиқа. 6. Логистик ўсиш. 7. Жой.




**3-топшириқ.** Популяциялар динамикасига хос хусусиятларни аниқланг.

Популяциялар динамикасига хос хусусиятлар	Ким томонидан кашф қилинган	Моҳияти	Аҳамияти
Математик популяция			
Биотик потенциал			

**4-топшириқ. Объектлар билан танишинг ва жараёнларни схематик моделли равища да ўрганинг.**

Расмга изоҳ ёзинг.



1


2

3

4

5

**5 – топшириқ.** Расмлар остига организмлар ўртасидаги муносабатларни тизимли түрди жойлаштириңг.  
(Кооперация...)

		
1	2	3
		<p>MUTUALISM, COMMENSALISM AND AMENSALISM</p> <p>Mutualism</p>  <p>Mutual Relationships Between Plants and Animals</p>
4	5	6

### **Назорат саволлари:**

- 1.** Популяциялар учун құлланилған тизимли ёндошув қайси моделлаштиришга хос?
- 2.** Экологик пирамида тизимли ёндошувга мөс келадими?

### **Адабиётлар ва интернет ресурслари:**

1. Swen E. Jorgansen and others. A new ecology: Systems perspective. Netherlands, 2007. Elsevier. 289 p.
2. Dunne JA, Williams RJ, Martinez ND. 2002. Food-web structure and network theory: The role of connectance and size. Proc. Natl. Acad. Sci. USA 99, 12917–12922.
3. KEGG: [www.ecology.jp/kegg.com](http://www.ecology.jp/kegg.com).

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### КЕЙС - 1

Атроф мухит ўзгаришлари натижасида кишиларнинг соғлигига таъсир етказувчи бир қанча касалликлар пайдо бўлмоқда. Кескин атроф мухитнинг ўзгаришлари инсон биологиясида адаптация жараёнини келтириб чиқарадими?.

*Бу қандай содир бўладми? Буни қандай аниқлаш мумкин?*

(Lindsay M Edwards, Ines Thiele. Applying systems biology methods to the study of human physiology in extreme environments. London, 2013).

**КЕЙС-2. Кейс баёни:** Аҳоли сонининг ер юзида ошиши ўсимликлар ва ҳайвонларнинг мўллиги ва флуктиацияси билан боғлиқдир, чунки улар озиқ –овқат билан таъминлайдилар. Томас Мальтус фикри билан айтганда (1978), популяцияларни замонавий ўрганиш, унинг Популяциялар принциплари эссесида қайд этилганки, унда ҳаёт ва нобуд бўлишлик чегарасидаги константа популяциянинг ўлчамини кўрсатиб беради, бу геометрик ўсиш орқали намоён бўлади. Популяциялар сонининг ўсиши доимо бир текисда кетадими?

**Кейс саволи:** 1. Аризонада буғу популяциясининг ўлчамидаги ўзгаришлар устида таблица чизинг ва ундан фойдаланинг. Қуйидаги маълумотлардан фойдаланинг: 1910 йилда 6 та буғу бор эди; 1915 йилда 36 та буғу; 1920 йилда 143 та буғу; 1925 йилда 86 та буғу ва 1935 йилда 26 та буғу яшаган. Бундай ўзгаришларни руй беришига нима ўзгаришлар бўлганини тушунтириб беринг?

(Ў.Э.Хўжаназаров, Д.Мухамеджанова, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш”, ТДПУ. 2016 йил).

**КЕЙС-3. Кейс баёни:** Популяциялар экспоненциал қаторларда ўсиши мумкин, агарда атроф мухит озиқ-овқат, жой, ҳаво, намлиқ, иссиқлик, яшаш

макони ва бошқа омиллар билан тұғридан - тұғри таъминланса яхши натижа беради. Сиз әхтимол күрган бўлишингиз мумкин, яъни мева пашшалари пишган мевалар ёки бошқа мевалар яқинида пирпираб учади. Мева пашшалари илмий лабораторияларда тез ўсиш имкониятига эга саналади. Пашшалар пробирка культурасида сақланади ва маҳсус тайёрланган озиқа парчалари билан боқилади.

**Кейс саволлари:** 1. Сиз бу стандарт ўстириш методи ёки бошқа методлар орқали ҳам популяциянинг тезроқ ўсишига эришишини таъминлай оласизми? 2. Биргина экологик омил мева пашаси популяциясининг ўсишига таъсир кўрсата оладими?

(Ў.Э.Хўжаназаров, Д.Мухамеджанова, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш”, ТДПУ. 2016 йил).

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Симуляцион моделлаштиришнинг экологик жараёнлардаги ўрни.
2. Гомеостаз ва сигнал трансдукциясидаги механизм.
3. Тизимлар экологиясидаги йўналишлар.
4. Аналитик моделлаштиришнинг экологик тадқиқотлардаги аҳамияти.
5. Экологияда тизимли таҳлилнинг сифат ва микдорий кўрсаткичлари.
6. Атроф муҳит ва бошқарувдаги тизимлар экологияси
7. Тизимлар экологиясининг биолгик хилма-хилликни муҳофаза қилишдаги ўрни.
8. Тизимлар экологиясининг тадқиқот мақсадлари.
9. Тизимлар экологиясида популяция даражасида турларнинг сақлаб қолиш механизmlари.
10. Экологик тизимда трофик даражалар ва энергия оқими

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Гомеостаз Homeostasis</b>	[yun. <i>homios</i> -ўхшаш, бир хил, <i>stasis</i> -ҳолат, <i>turg'unlik</i> ] - табиий тизимнинг (организмнинг) унинг асосий структураларининг, модда-энергетик таркибининг муттасил тикланиб туриши ва компонентларнинг доимий функционал ўз-ўзини тартиблаш билан бир меъёрда тутиб турилувчи ички динамик мувозанат ҳолати.	[Greek <i>homios</i> -similar identical, <i>stasis</i> -state, immovability] - state of internal dynamic balance of a natural system (organism), maintained by a regular iterating of its basic structures , matter - energy composition and constant functional self-regulation of its components.
<b>Популяция Population</b>	- [fr. <i>Population</i> - аҳоли] - маълум ҳудудни эгаллаган, узоқ мурдат давомида (бир неча ўн авлод давомида) ўзидан кўпайиши орқали насл-насабини барқарор сақлаб қолишга қодир бўлган бир турга мансуб зотлар йифинди; маълум ҳудудни эгаллаган ва умумий генофондга эга бўлган бир турга мансуб зотлар йифинди.	[ french <i>population</i> - population] - group of individuals of one species occupying a particular site which is capable during a sufficient period of time (during several decades of brids) maintain the existence through their breeding.
<b>Метаболизм Metabolism</b>	Организмлардаги моддалар алмашинуви жараёни	Processes of metabolism in organisms
<b>Меъёр чегарасидаги таъсир</b>	Тизимни барқарорлик доирасидан чиқариб юбормайдиган таъсир	An impact, not bringing a system out of a sustainable condition

<b>Maximum permissible impact</b>		
<b>Маълумотлар базаси Data base</b>	Компьютер ёрдамида йиғиш, ишлаб чиқиши ва сақлаш учун бир тартибга келтирилган маълумотлар мажмуаси	Systemized collection of data intended for accumulation, processing and storage with the help of a computer.
<b>Мутаген омил Mutagenic factor</b>	Организмларни мутацияга олибкелувчи таъсир	An impact that causes mutations of organisms
<b>Педагогик технология Pedagogical technology</b>	аниқ илмий лойиҳалаштирилган самарали натижани кафолотловчи, тақорлана олувчи педагогик харакатлар тизими	repeated pedagogical action which is clearly scientific designed and have guaranteed effective results
<b>Стандарт Standard</b>	Меъёрий техник хужжат	A standard technical documentation
<b>Технология Technology</b>	бу маълум бир муайян мақсадга ёки мақсадлар тизимига эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар кетма-кетлигидан иборат бўлган яратувчилик (пайдо этиш жараёни) фаолиятига айтилади ёки бошқача айтгандахнология деганда манбалардаги (объектлардаги) сифат ўзгаришларга олиб келувчи жараёнга айтилади.	is the collection of techniques, <u>skills</u> , methods and processes used in the production of <u>goods</u> or <u>services</u> or in the accomplishment of objectives, such as scientific investigation. Technology can be the <u>knowledge</u> of techniques, processes, etc. or it can be embedded in machines, computers, devices and factories, which can be operated by individuals without detailed knowledge of the workings of such things.
<b>Токсиклик</b>	Баъзи бир кимёвий бирикмаларнинг организмларга зарарли, ҳатто ўлимга олиб келувчи таъсир кўрсатиш хусусияти	Toxicousness is a characteristic feature of chemical combinations to have parasitic or even lethal impact on organism.
<b>Ўқув режаси</b>	олий таълимнинг муайян	an organized schedule that

<b>Study plan—</b>	йўналиши ёки маутахассислиги бўйича ўкув фаолияти турлари, ўкув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчилиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив хужжат	students create that outlines study times and learning goals. Just like with work or school schedules, college students should develop a study schedule where they can block off days and times in their calendar dedicated to studying.
--------------------	---	--

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Dunne JA, Williams RJ, Martinez ND. 2002. Food-web structure and network theory: The role of connectance and size. Proc. Natl. Acad. Sci. USA 99, 12917–12922.
2. KEGG: [www.ecology.jp/kegg.com](http://www.ecology.jp/kegg.com).
3. Erik Andersson, Bjorn Nykvist, Rebecka Malinga, Fernando Jaramillo, Regina Lindborg. A social–ecological analysis of ecosystem services in two different farming systems. Belgium, Springer. AMBIO 2015, 44(Suppl. 1):S102–S112 .
4. Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.53-54.
5. Lindsay M. Edwards and Ines Thiele. Applying systems biology methods to the study of human physiology in extreme environments. Extreme physiology and Medicine, 2013. P.3.
6. N. Chomsky. Systems Biology Meeting, MIT, Boston, Jan 8-9, 2004.
7. Stuart Borrett. Systems ecology short course. University of North Carolina Wilmington. 2013. P.7.
8. Swen E. Jorgansen and others. A new ecology: Systems perspective. Netherlands, 2007. Elsevier. 289 p.
9. Хўжаназаров Ў.Э., Мухамеджанова Д. “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш”, ТДПУ. 2016 йил.